

Б.Мамадиев,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро ҳамкорлик бўйича проректор,
эркин тадқиқотчи



САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ФАТВОНИНГ ЎРНИ

Ахборот технологиялари, интернет ва ижтимоий тармоқлар глобал ривожланиб бораётган шароитда ҳар қандай одам исломий манбаларни нотўғри талқин қилган ҳолда жамиятда осонликча тартибсизликларни юзага келтириши мумкин. Кейинги пайтда оммавий норозиликлар, фундаменталистик ҳаракатларнинг шаклланиши, сиёсийлашган ислом гуруҳларининг вужудга келиши айрим давлатларнинг тузулмаларига таъсир ўтказа бошлади ва жамиятдаги муносабатларга шу даражада путур етказдики, катта-катта ҳудудлар исёнчилар ёки бошқа давлатлар бошқарувига ўтиб кетди.

Ҳатто бир вақтлар қудратли ҳисобланган айрим давлатлар ҳозирги мафкуравий курашларга қарши туришга қурби етмасдан давлатчиликнинг муҳим хусусиятларини осонликча бой бермоқда ва охир-оқибат айрим сиёсийлашган диндорларнинг қонун-қоидаларига бўйсуниб қолмоқда.

Бу жараёнларда уламоларнинг фатволари аҳолининг исломий руҳиятига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади. Фатво чиқариш билан боғлиқ хавфли жиҳатлар ҳам борки, мухолифат ва давлат тузумига қарши ташкилотлар томонидан тузилган фақиҳлар гуруҳининг ислом меъёрлари бўйича шубҳали ва эскирган талқиндаги фатволари иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалар ривожланишини йўққа чиқариш, ўша гуруҳларнинг тор доирадаги манфаатларига хизмат қилиш, баъзан

буюртма асосида ҳукумат, ташкилот ёки мансабдор шахсларни обрўсизлантиришга қаратилган бўлиши мумкин. Баъзи ҳолларда улар маданият, давр ва жараён талаблари инобатга олинмаган фатволар билан халқнинг анъанавий диний қарашларини бузишга уринишади. Бундай гуруҳлар етакчиларининг фатволари оддий аҳоли онгига ҳар томонлама синдириб борилади ва бутун умматга бу табиий “демократик” реакция сифатида тақдим қилинади. Уларга “сўз эркинлиги”, “инсон ҳуқуқлари” каби шиорлар жуда қўл келмоқда.

Бу ҳолатда кўп мамлакатларда ҳукумат аҳолининг диний онгини тўғри шакллантириш, ҳаёт ва тараққиётнинг янги қирраларига мослаштириш мақсадида диний соҳадаги ижтимоий институтларни марказлаштириш ва модернизация қилишга интиломоқда.

Замонавий Саудия Арабистони мисолида кўрадиган бўлсак, консерватив уламолар XVIII асрда Шайх Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб томонидан ўрнатилган диний анъаналарга таъсир ўтказа бошлаган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, янгиланишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Мўътадил қарашларга эга дин хизматчилари эса ўз диний позицияларини вазиятга мос равишда ўзгартириш орқали жамиятдаги янгиланишларни қабул қилаётир.

Табиийки, ҳукуматга мойил уламоларнинг мамлакатдаги ислохотларга мос мўътадил фатволари Шайх Муҳаммад Абдул Ваҳҳоб таълимотини қаттиқ тутганлар томонидан ҳар

доим ҳам ижобий қабул қилинмайди. Бу жамиятда диний давралар ўртасида турли мунозаралар келтириб чиқаради.

Саудия дин пешволари илгари аҳолининг фан, маданият ва санъатнинг замонавий ютуқларидан фойдаланишига тўсқинлик қилувчи фатволарни кўп эълон қилган. Хусусан, телевизор томоша қилиш, фотоаппарат ишлатиш, саёҳат, аёл киши билан мулоқот, кўнгил очиш ва шу каби ҳаёт тарзини чекловчи кўп-лаб фатволар берилган. Ҳатто, ўтган асрнинг 90-йиллари охирига келиб, консерватив уламолар турли роман, шеърлар, интернет одамни йўлдан оздирадиган восита эканини уқтирганлар.

1990 йилнинг августида Кувайт Ирок ҳарбийлари томонидан босиб олинганидан сўнг, Саудия Арабистонида ташқи таҳдиддан ташқари мамлакат ичидаги норозиликлар кучайиб кетди. Бу, энг аввало, Саудиядаги қадамжолар муқаддаслиги бузилиши билан боғлиқ норозиликлар эди. Бу жараёнда консерватив уламолар сиёсий жиҳатдан фаоллашди ва ҳукуматни қаттиқ танқид қилди. Муҳолифат давлат раҳбариятининг мусулмон бўлмаганлар билан ҳамкорлик қилишини қоралади. Жамиятда сиёсий қарама-қаршиликларни кўзгатувчилар ўз позициялари тўғрилигини исботлаш учун Қуръони каримдаги қуйидаги оятни далил қилдилар:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ فَلَا يَقْرَبُوا الْمَسْجِدَ الْحَرَامَ
بَعْدَ عَامِهِمْ هَذَا وَإِنْ خِفْتُمْ عَيْلَةً فَسَوْفَ يُغْنِيَكُمْ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ إِنَّكَ
إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٢٨﴾

“Эй имон келтирганлар! Албатта, мушриклар нажасдирлар, бунга шубҳа йўқ, бу йиллардан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар. Агар фақирликдан кўрқсангиз, тезда Аллоҳ Ўзи хоҳласа, сизни фазли ила бой қилиб қўядир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва ҳикматли зотдир” (“Тавба” сураси 28-оят).

Ана шундай нозик вазиятда Қирол Фаҳд Уламолар олий кенгаши аъзоларига мурожаат қилиб, мусулмон бўлмаган мамлакатдан ёрдам олиш, яъни АҚШ ҳарбийларини Подшоҳлик ҳудудига жойлаштириш бўйича фатво чиқаришни сўрайди.

Ҳукмрон оилага мойил уламолар ҳукуматнинг Саддам Хусайн қўшинларига АҚШ бошчилигидаги коалиция ёрдамида қарши туриш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватладилар. Муфтий Абдулазиз ибн Баз ҳукумат қарорини “Ахзу ахаффид-дарарайн” (Икки зарардан энгилени олиш”) тамойили асосида оқлаб, фатво берди.

Ҳукуматни қўллаб-қувватлаётган саудиялик уламоларнинг кўпи бугунги кунда ўзга эътиқод вакилларига душманлик кайфиятида бўлишни бекор қилиш ҳаракатида ва улар бу доктрина мусулмонларни мусулмон бўлмаганлардан ажратишга ҳаракат қилади холос, деб изоҳлаган ҳолда диний бағрикенглик ғояларини илгари сурмоқдалар.

Саудия Арабистони ўтган асрнинг 90-йиллари охиридан буён аҳолининг диний онгини мўътадил фатволар ёрдамида босқичма-босқич либераллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунда Саудия Арабистонининг Уламолар олий кенгаши Бош муфтий раҳбарлик қиладиган давлат муассасаси ҳисобланади ва у Ислом тадқиқотлари ва фатволар бўйича доимий қўмита фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

2010 йил августига келиб, ҳозирда марҳум қирол Абдулла бин Абдулазиз диний соҳада жиддий ислохотларни бошлаган фармонини эълон қилди. Бу пайтда аҳолининг кучли консерватив қарашлари ва диний соҳадаги вазият жамият бирдамлигига раҳна сола бошлаган эди. Подшоҳ амри билан фатво берувчилар сони кескин қисқартирилди. Яъни, фатво бериш ҳуқуқи фақатгина ҳукумат томонидан расман тасдиқланган дин пешволарига берилди. Шунингдек, Уламолар олий кенгаши томонидан тасдиқланган дин пешволаригина фатво бериши алоҳида белгилаб қўйилди.

Қирол имзолаган ҳужжатда замонавий талабларга мос келмайдиган тортишувли, шубҳали ёки эскирган фатво ва меъёрлардан фойдаланиш таъқиқланди. Агарда қайси уламо давлат ишларига зарар етказадиган фатво эълон қилса, қонун билан жавобгарликка тортилиши ҳам белгиланди. Бу талаблар Ислом ва вақф ишлари вазирлиги тавсиясига кўра, жума хутбаларида эълон қилинди.

Вазирлик ўз ходимларига фатво бўйича сўровларни қабул қилмасликни тайинлади. Бунга Риёз шаҳридаги Ислом университети президенти Қирол фармони бозганларни жазолаганини мисол қилиш мумкин. Хусусан, жазоланганлар орасида шайх Юсуф Аҳмад ҳам бор эди. У супермаркетларда аёлларнинг кассир сифатида ишлаши ислом меъёрларига зид, деган фикрни илгари сурган. Шунингдек, янги коидалар киритилиши ортидан бир қатор фатво марказлари, сайтлар, диний талқиндаги телерадиоэфирлар ёпилди.

2011 йилда Уламолар олий кенгаши жамиятдаги норозилик намоишлари миллатнинг бўлиниб кетишига олиб келиши сабабидан шариатга зид экани бўйича фатво берди. Унга кўра, ислохот ёки ўзгаришлар таклиф ва тавсиялар орқали амалга оширилиши керак, турли келишовчилик ва тўполонларни келтириб чиқариш эса Аллоҳ амрига қарши экани эълон қилинди.

Бу фатвога “Нисо” сурасининг қуйидаги 83-оятга асос қилиб олинди:

وَإِذَا جَاءَهُمْ أَمْرٌ مِنَ الْأَمْنِ أَوْ الْخَوْفِ أَذَاعُوا بِهِ وَلَوْ رَدُّوهُ إِلَى الرَّسُولِ وَإِلَى أُولِي الْأَمْرِ مِنْهُمْ لَعَلِمَهُ الَّذِينَ يَسْتَنَظُّونَهُ مِنْهُمْ وَلَوْ أَنَّ فَضْلَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُ لَتَبَعْتُمُ الشَّيْطَانَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٨٣﴾

“Қачонки уларга эминлик ёки ҳақ тўғрисида бир иш – хабар етса, уни тарқатадилар. Агар уни Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган ишбошиларга ҳавола қилганларида эди, улардан иш негизини биладиганлари уни англаб етар эдилар. Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганда, озгинангиздан бошқангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз”.

Қуръон оятига асосланган бу фатво Саудияда ислохотларга нисбатан кучайиб бораётган ва четдан туриб вазиятни бузишга уринаётган мухолифат вакиллари таъсирида ёйилаётган норозилик кайфиятини йўққа чиқаришга хизмат қилди.

Яна бир эътиборга молик фатво 2011 йили Қирол Абдулланнинг маслаҳатчиси Абдулмуҳсин Абикан томонидан эълон қилинди ва унга кўра, аёлларга “йўл хавфсиз, кузатиш ва кутиб олиш маҳрам иштирокида бўлса” сафарга маҳрамсиз чиқишга рухсат этилди. Бу янгича

қарашга эга ва консерватив инсонлар ўртасида жуда катта ихтилофлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Бу фатвога қаршилик билдирганлар Пайғамбарнинг аёлларга сафарга (жумладан, ҳажга) маҳрамсиз чиқишини таъқиқлагани тўғрисидаги ҳадисга суяндилар. Фатвони қўллаб-қувватлаганлар эса, ўша таъқиқ аёл кишининг соғлиғи, шаъни ва ҳаёт учун хавфли бўлган даврда юзага келганини ва хавф йўқ бўлса, таъқиққа ҳам эҳтиёж қолмаслигини айтишмоқда. Қолаверса, бу фатво тарафдорлари консерватив уламолардан Саудияда урф бўлган бошқа мамлакатлардан аёлларни уй ишларига ёллаб ишлатиш масаласига нега шариат нуқтаи назаридан ёндошилмайди, деган саволни сўрамоқда.

Шайх А.Абиканнинг ўзи бу фатвога қаршилик қилаётганларни каттиқ танқид қилди: “Менга қарши чиқаётганларнинг иккиюзламачилигидан ҳайратдаман. Уларнинг ўзлари хорижлик аёлларни уйига тарбиячи ва хизматчи қилиб ишга ёллайди. Аёллар маҳрамсиз келишига эътибор қилишмайди. Ахир, Пайғамбар ҳадисидаги таъқиқ аёлларнинг йўлда қандай муаммоларга дуч келишига асосланган ва ёнида эркак қариндоши ҳимоячи сифатида бўлиши айтилган. Бу таъқиқ сафар ҳақиқатан хавфли бўлган ўша замонларда долзарб бўлган. Таъқиқлар масаласида биз замонавий олимлар жуда эҳтиёткор бўлишимиз керак. Қарорларимизда замон ва макон омилини ҳам инобатга олиш шарт. Ҳар бир таъқиқнинг асл сабабини топишимиз ва фикр масаласига юзаки қарамаслигимиз даркор. Бу одамлар ҳаётига дохил масала”.

Шу билан бирга ислом ақл ва тафаккур дини, ҳар бир нарсанинг сабаби ва инсон манфаатларига қаратилган мантикий ҳулосаси бор.

А.Абикан ўзига қарши бўлганларни ўйлаб гапиришга чақиради. У “Аёл кишига машина бошқаришни таъқиқлаб қўйиб, қандай қилиб, унинг бегона номаҳрам машинаси хизматидан фойдаланишига рухсат бериш мумкин?” дейди.

Ислом тарихида аёллар маҳрамсиз сафарга чиққани ҳақида далиллар бор. Улар орасида Имом Бухорий келтирган воқеа ҳам машҳур.

Унга кўра, Умар ибн Хаттоб Пайғамбаримизнинг хотинларига Усмон ибн Аффон ва Абдурахмон ибн Авф ҳамроҳлигида ҳаж қилишга рухсат берган. Бу ҳақда кўплаб саҳобалар билган ва ҳеч ким уларга қаршилиқ қилмаган.

Қолаверса, А.Абиканнинг фатвоси Саудия Арабистони Меҳнат вазирлиги томонидан хотин-қизларга аёлларга хос бўлган тикувчилик фабрикалари, аёллар кийими ва косметикаси савдоси, ишлаб чиқариш каби соҳалар бўйича ишлашга рухсат берилган даврга тўғри келди.

Тахтга Қирол Салмон бин Абдулазизнинг келиши (2015 йил январь) билан унинг ўғли Муҳаммад бин Салмон ислохотлар ва жамиятни дерадикализация қилиш бўйича сиёсатни янада кучайтирди. Албатта, бунга консерватив уламолар ҳам турли фикрлар билан қарши чиқишга ҳаракат қилмоқда. Айрим олимлар ҳақиқатан ҳам жамиятда аёллар масаласи, санъат, мусулмонларнинг ғайридинлар билан муносабатига таъқиққа доир мунозаралар давом этаётганини таъкидлашмоқда. Уларнинг айтишича, мўътадил фатволарга қарши чиқаётганлар фикрни чуқур билишмайди.

Шахзода Муҳаммад бин Салмон ОАВга берган интервьюларидан бирида шундай деди: “Ислом “Мусулмон биродарлар” ва унинг таъсирида вужудга келган “Сурурийлар ҳаракати” каби динни ниқоб қилиб, ҳокимиятга эришишни мақсад қилган гуруҳлар билан тўлди. Ҳозирги Саудия Арабистонида юз бераётган ислохотлар, хусусан мазкур гуруҳлар томонидан аёллар масаласида киритилаётган таъқиқлардан узоқлашишга қаратилган. Имон одоб ва ахлоқ тамойилларига амал қилишда, яъни аба-яннинг (араб аёлларининг жамоат жойлари учун киядиган асосан қора рангдаги узун энгли кўйлаг) ёки мусулмон аёллар кийимларининг ранги ва шаклида эмас. Кийим – маҳаллий халқларнинг маданий меъёр ва анъаналарини намоён этади. Мавритания ёки Судан аёлларининг кийимига қаранг ва уларни Чеченистон ёки Эрон аёллариники билан солиштиринг. Уларнинг бари ўша мамлакат туб халқига хос хусусиятлар билан фарқланади. Бундай вазиятларда исломнинг асосий ғояси – одоб, ахлоқ ва тартибга эътибор қаратишдир”. Дарҳақиқат,

ислом мусулмон халқларнинг миллий урф ва кийиниш одобига қарши эмас. Бир миллат ёки мамлакатни бошқасиникини қабул қилишга, барча мусулмонларни бир хил шаклда кийинишга мажбур этмайди.

Саудия Арабистонида олиб борилаётган ислохотларнинг асл моҳияти фатволар орқали жамиятда бағрикенгликка асосланган мўътадил ва замонавий дунёқарашни босқич-ма-босқич олиб киришга қаратилган. Албатта, бу янгиланишлар ёш саудияликларга маъқул келмоқда. Шу билан бирга консерватив қарашга эга инсонларнинг диний соҳа вакилларига ишончи камайиб бораётганини ҳам кузатишмоқда. Бу жараёнда диний чегараларни кенгайтириб бораётган уламолар танқидларга ҳам дуч келмоқда. Хусусан, 2014 йили Маккадаги Диний полиция бўлини раҳбари Аҳмад Ҳамиди “Арабия” каналига интервью бериб, салафийлар талаб қилаётган аёлларнинг юзига ниқоб тортиб юриши диний мажбурият эмас, ва у мажбурий бўлмаслиги керак, деган фикрни билдирди. Унинг айтишича, аёллар бўяниши ҳам мумкин ва бу Исломга зид эмас.

Унинг чиқиши эса, Уламолар олий кенгаши вакиллари, хатто Бош муфтийнинг ҳам танқидига дучор бўлди. Қолаверса, Маккадаги катта масжиднинг собиқ имоми Одил Калбанининг мусиқа тинглаш исломда йўқ, деб ҳисобламаслик керак, деган фикри консерваторларда кучли эътироз уйғотди.

Буларнинг барчасидан келиб чиққан ҳолда, саудиялик уламоларни сиёсий ҳукуматга таъсир этувчи куч деб бўлмайди. Уларнинг фатволари ижтимоий-сиёсий, оммавий-диний вазиятга қараб ўзгариб туради. Диний соҳа вакиллари тарқоқлиги уламолар ўртасида тортишув, мунозараларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Бу жараёнда расмий фаолият юритаётган дин пешволари ўзларини фатволар орқали қўллаб-қувватлашни сўраётган ҳукумат билан ҳамкорлик қилмоқда. Нима бўлган тақдирда ҳам, уларнинг фатвоси Вазирлар Маҳкамаси тасдиғисиз ҳеч қандай кучга эга бўлмайди.